

Битиравчиларни олқишлиб

2019 йил 5 июль куни институтимизнинг “Гидротехника қурилиши” факультетидаги 200 нафарга яқин битиравчиларига Бакалавр даражали дипломлар топширилди ва уларга мустақил ҳаётга йўлланма берилди. Шуни айтиш жоизки, замонавий билимларни эгаллаш бу эл-юрт хизматида камарбаста бўлиш демакдир. Олинган билим халқ хўжалигининг муайян жабҳаларида амалиётга айланганда, унинг натижаси ва самараси ўзгача бўлади.



Тадбирда институт ректори Умурзаков Ўкташ Пардаевич, Ўқув ишлари бўйича проректор Мирзаев Баҳодир Суюнович, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Шавозов Қодиржон Очилович ва факультетлар деканлари ота-оналар ва битиравчи-ёшлар иштирок этишди. Институт ректори Умурзаков Ўкташ Пардаевич тадбирни очди ва битиравчиларни уларнинг ота-оналарини табриклиди.



Шундан сўнг факультет декани Ҳасанов Баҳридин Баратович битиравчиларни табриклиди ва институт ректорининг бакалавр дипломини бериш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшилтириди. Битиравчиларга дипломларни шахсан Ў.П.Умурзаков топшириди. Ўзининг иқтидори ва ташаббускорлиги билан ўрнак бўлган битиравчиларнинг ота-оналарига институт раҳбарияти томонидан “Ташаккурномалар” тақдим этилди. Сўзга чиққан ота-оналар фарзандларига таълимтарбия берган барча устозларга миннатдорчилик билдириди. Дарҳақиқат, битиравчиларга назарсолар эканмиз, ҳар бирида ўзига хос ишонч берилгани ҳис этдик. Ўйлаймизки, устозларидан олган билимларни келгуси мустақил ҳаётда барча битиравчиларимиз амалиётда қўллай олади.



ГТҚ факултети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини А.И.Азимов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов